Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2016 йил “29” июнь да
44-3- сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

Ходжаев С.С.
М.Ў.

# “ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

2016 йил «10» июндаги
“Трастбанк” ХАБ
акциядорларининг навбатдаги умумий
йиғилишининг 42-сон баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кенгаши Раиси Ш.Т. Абдукамилов
М.Ў.

Тошкент 2016 йил

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Уставига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. **32-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.

2. **33-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Қўшимча акциялар мазкур Уставнинг 30-бандида кўрсатилган Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина Банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Банк уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Банк Кенгаши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк устав капитали унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банкнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3. **68-банднинг 7-хатбошисидан** “баҳолашни ва” **деган сўзлар чиқариб ташлансин.**

4. **119-банднинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

банкнинг йиллик бизнес-режаси ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида ўрта муддатли бизнес-режани тасдиқлаш;

**119-банднинг йигирма бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида Банк томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали банк устав капиталини кўпайтириш;

**119-банднинг йигирма олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

**119-банднинг ўттиз еттинчи янги хатбошиси киритилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

**119-банднинг ўттиз еттингчи хатбошиси ўттиз саккизинчи деб ҳисоблансин.**

5. **122-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Банк Кенгашининг мажлиси Банк Кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига ўра, Банк Кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси), Банк Бошқаруви, банкнинг овоз бериш уқига эга бўлган акцияларининг бир фоиздан кам бўлмаган қисмига эгалик қилувчи циядорлар (акциядор), шунингдек амалдаги қонунчиликка асосан бошқа шахсларнинг абига кўра чақирилади.

**6. 140-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки шбу қарорга қарши овоз берган Банк Кенгаши ва Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, алдаги қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**7. 148-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ксадида Банкда уларнинг орасидан 3 (Уч) нафаргача аъзолардан иборат миноритар циядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши, ушбу қўмита фаолиятини таъминлаш харажати анк маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

**8. 149-банднинг қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:**

Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш йўли билан Банк ошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

**Банк Кенгаши Раиси** **Ш.Т. Абдукамилов**

**Тикилган ва рақамланган**

8 (саккиз)

**варақдан иборат**

29 июнь 2016 йил

**Имзо**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI
THE CENTRAL BANK OF UZBEKISTAN
Devonxona
Chancellery